

«Ўзэкспомарказ» Миллий қўргазма компанияси

акциядорлик жамияти акциядорларининг

2023 йил 26 июнданги йиллик умумий

йигилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



**O'ZEKSPOMARKAZ
MILLIY KO'RGAZMA
KOMPANIYASI
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

У С Т А В И

(ЯНГИ ТАҲРИР)

Тошкент – 2023 йил

I. ЖАМИЯТНИНГ НОМЛАНИШИ, ЮРИДИК МАҚОМІ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

1.1. «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 17 апрелдаги 185 – сонли «2003 – 2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий алокалар агентлиги хузуридаги «Ўзэкспомарказ» Республика савдо – кўргазма марказини давлат тасарруфидан чиқариши натижасида ташкил килинган.

1.2. Жамият Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Хокимининг 1992 йил 26 ноябрдаги 2366 – сонли Фармойиши билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий алокалар агентлиги хузуридаги «Ўзэкспомарказ» Республика савдо – кўргазма марказининг ва унинг барча молиявий хукук ва мажбуриятлари бўйича хукукий вориси хисобланади ва фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган холда ташкил этилади.

1.3. Жамият ўз фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги конуни ва бошка меъёрий – хукукий хужоатлари, ушбу Устав ва Жамият бошкарув органларининг карорлари асосида амалга оширади.

1.4. Жамиятнинг номланиши:

Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «O'zbekpomarkaz» Milliy ko'rgazma kompaniyasi» aktsiyadorlik jamiyat;
 - ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси» акциядорлик жамияти;
 - рус тилида – Акционерное общество «Национальная выставочная компания «Узэксцентр»;
 - инглиз тилида – «Uzexposentre» National exhibition company» Joint – Stock Company
- Жамиятнинг қисқартырталган расмий номи:**
- ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «O'zekspomarkaz» MKK» AJ;
 - ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ;
 - рус тилида – АО «НВК «Узэксцентр»
 - инглиз тилида – JSC «Uzexposentre» NEC»

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустакил балансига ва хисоб рақамига эга. Жамият хисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси худудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар худудида жойлашган банкларда ва бошка кредит муассасаларида валюта ва бошка хисоб рақамларни очиши мумкин.

1.6. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлак хукукка эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалок мухрига (мухрда кўшимча равишда фирма номи бошка исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

1.7. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мулки билан жавоб беради. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боянлик зарарларнинг ўринини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида коплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳакини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар кийматининг тўланмаган кисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Жамият ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмасdir.

1.8. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.9. Жамиятнинг мол – мулки унга мулк хукуки асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблаглар, асосий фондлар ва айланма маблаглар, кўчар ва кўчмас мулклар, кимматли қоғозлар, олинган даромад, конун хужжатлари билан такиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

1.10. Жамият конун хужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс хукукини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга хакли эмас.

1.11. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга конун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.12. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шульба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга конун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халкаро шартномасида бошқача қонди белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шульба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очишлиши, ушбу шульба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат конунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

1.13. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс хисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиклаган Низомлар асосида иш кўради.

1.14. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси худудида асосий фаолияти амалга оширмайдиган маъмурий офисларини ташкил этишга хакли.

1.15. Жамият ўз фаолиятини мувофикаштириш, ўз манфаатларини ифода этиши ва химоя килиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) ва ўзга бирлашмаларда катнашиши мумкин.

1.16. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатта тузилган.

1.17. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уй.

1.18. Жамиятнинг электрон почта манзили – info@uzexpocentre.uz, жамиятнинг корпоратив веб-сайти www.uzexpocentre.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия – хўжалик фаолиятидан фойда олишдир. Жамиятнинг асосий фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида халкаро, мавзули ва ихтинослаштирилган кўргазмалар, ярмаркалар, тақдимотлар ва бошқа шу турдаги тадбирларни ўтказиш ҳамда аҳолига барча турдаги согломлаштириш ва маданий хордик чиқарни билан бөглиқ хизматларни кўрсатиш хисобланади.

2.2. Жамиятнинг асосий мақсадлари:

- замонавий технологиялар, ноу – хау, илмий янгиликлар ва бошқа интеллектуал мулкларини ва ишлаб чиқариш объектларни амалиётга тадбиқ этишга кўмаклашиш ва шахсий мулк билан бөглиқ ишларни олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган тартибда ташкил иктиносий фаолияти амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг иктиносий, илмий – техник ва ижтимоий ривожлантришда, ўзининг фаолияти билан иштирок этиш ва Ўзбекистон Республикаси ишбилармон доиралари ҳамда дунёning барча мамлакатлари ишбилармон доиралари ҳамда дунёning барча мамлакатлари ишбилармон доиралари ўртасида алоқалар ўрнатилишига кўмаклашиш;
- пойтахт меҳмонларига меҳмонхона хизматларини кўрсатиш;
- фестиваллар, концертлар ва бошқа шу турдаги тадбирларни ташкил килиш ва ўтказиш;
- тижорат, технологик ва бошқа шу турдаги ахборотларни йигиш, умумлаштириш ва алмашиш;
- кенг диверсификация йўли билан Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида хар турдаги

битимларни тузиш;

- Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ишлаб чикариш ва ишлаб чикариш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик соҳаларига инвестицияларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси корхоналарига, улар ишлаб чикараётган маҳсулотларни экспортга чикариш, нарх конъюктураси ва янги маҳсулотлар бозорини ўрганиш масалалари бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ташки иктисодий фаолият, банк – молия иши ва бошка хукукий ахамиятта эга бўлган фаолиятлар бўйича консультацион хизматлар кўрсатиш, биржа, хисоб – китоб бўйича ахборот тармоқларини ташкил килиш;
- реставрация ва курилиш соҳасида илмий тадқиқотларни олиб бориш;
- барча турдаги дизайнерлик хизматларини кўрсатиш;
- видео ва фото хизматларини кўрсатиш;
- реклама фаолияти, мижозлар буюртмаси бўйича реклама маҳсулотларини ишлаб чикариш;
- биринчи тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш;
- лизинг, форфейтинг, маркетинг, факторинг, инжиниринг ва бошка операцияларни амалга ошириш;
- молия маблағларини жалб килиш ҳамда бериш мақсадида карз операцияларини амалга ошириш;
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятни олиб бориш;
- капитал курилиш, қайта тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича конструктор ва режа – смета хужжатларини тайёрлаш;
- капитал курилиш, қайта тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида кўчмас мулк ва бошка асосий воситаларни куриш, таъмирлаш, эксплуатация килиш, сотиб олиш, изараға бериш ҳамда улар билан бошка операцияларни амалга ошириш;
- озиқ – овқат, ҳалқ истеъмоли ва ишлаб чикаришга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чикариш ва сотиш;
- маҳалий телекоммуникация тармоқларини режалаштириш, куриш, эксплуатация килиш ва улар бўйича бошка хизматлар кўрсатиш;
- чакана ва ултуржи савдони амалга ошириш ҳамда умумий овқатланиш тармоқларини (ресторан, қаҳвахона, чойхона ва бошқалар) ташкил килиш;
- малакали мутахассисларни ўқитиши, қайта ўқитиши ва профессионал ўқиши ташкил килиш;
- семинар, симпозиумлар, конгресслар ва мажlisларни ташкил килиш ва уларда иштирок этиш;
- ҳордиқ чикариш тадбирларини ташкил килиш ва ўтказиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга юқ ташиш ва транспорт хизматларини кўрсатиш;
- молия операцияларини Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган тартибда амалга ошириш.

2.3. Жамият конунчилик билан таъкидланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар кандай фаолият тури билан конун хужжатларида белгиланган тартибда шугулланиши мумкин.

2.4. Маҳсус руҳсатнома (лицензия) олишини талаб қиласидан фоалият турлири Жамият шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал кийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам микдорини белгилайди.

3.3. Жамият акцияларини сотиб олган ва акциядорлар реестрига киритилган ҳар бир шахс «акциядор» деб аталади ҳамда ушбу Уставдан келиб чикадиган хуққу ва мажбуриятларга эга бўлади.

3.4. Жамият Устав фонди 9 483 153 120 (тўқиз миллиард тўрт юз саксон уч миллион бир юз эллик уч минг бир юз йигирма) сўм микдорида белгиланган бўлиб, хар бирининг номинал қиймати 2 610 сўм бўлган 3 633 392 (уч миллион олти юз ўттиз уч минг уч юз тўксон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан ташкил топгандир.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.1. Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.3. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгашин томонидан қабул килинади.

4.4. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.5. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон килинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига кискартирилиши керак.

4.6. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб килинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.7. Жамият Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини кискартириш, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор килган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.8. Жамият Устав фондини акцияларнинг бир кисмини олиш ва бекор килиш йўли билан камайтириш акциядорлар Умумий йигилишининг тегишли қарори билан амалга оширилади.

4.9. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартришларни киритиш хақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йигилиши томонидан қабул килинади.

4.10. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул килинаётганда акциядорларнинг Умумий йигилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.11. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул килинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор килади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлик заарларнинг ўринини қоплашими талаб килишга ҳақли.

V. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

5.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, акциядорлар Умумий йигилишида катнашиш ва Жамиятни бошкаришда иштирок этиш хукукини беради.

5.3. Акциялар мулк ҳукуки ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида кайси юридик ёки жисмоний шахста тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.4. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳукуки асосида бир нечта шахста тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳукуклардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.5. Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш, хисоб – китоб килиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари, мазкур Устав ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги карор билан белгиланади.

5.6. Жамият бир дона акциясининг номинал киймати 2 610 (икки минг олти юз ўн) сўмни ташкил этади.

5.7. Жамият томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши куйидаги кўрнишларда амалга оширилиши мумкин:

- қимматли қоғозларни хусусий ўйсунда жойлаштириши (аммавий эълонлар ва реклама компаниясими ўтказмасдан, аввалдан маълум бўлган сони чекланган инвесторлар ўртасида ёниқ обуна);
- қимматли қоғозларни аммавий ўйсунда жойлаштириши (рекламадан фойдаланган ҳазда сони чекланмаган инвесторлар ўртасида очиқ обуна), бунда акциялар факат ташкил этиланган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказылади.

5.8. Жамият томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш муддати уларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.9. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни кайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончили бошкарувга беришга хакли эмас.

5.11. Жамиятнинг эълон килинган акциялари – Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларнга кўшимча равишда жойлаштиришга хакли бўлган эълон килинган акцияларининг сони 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорларининг ҳукуклари куйидагилардан иборат:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;
- инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсиздаги депо ҳисобварагидан ўзига таалукли кўчирма олиши;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендор тарзида олиши;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишили улушига мувофиқ мол – мулкниң бир қисмини олиши;
- акциядорларнинг умумий йигисинида овоз берииш орқали Жамиятни бошқарнида иштирок этиши;
- Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончили ахборотни белгиланган тартибда олиши;
- олган дивидендини эркани тасарруф этиши;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиши бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукукларини ҳимоя қилиши;
- ўзига етказилган зарарни ўрни қопланшини белгиланган тартибда таъаб қилиши;
- ўз манфаатларини ифодалани ва ҳимоя қилиши мақсадида уюшмаларга ва бошқа подаклар нотижорат ташкилотларига бирлашиши;
- қимматли қоғозларни олишида зарар кўриши, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккатчиликларни сугурта қилиши;

- ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишизи акцияларни учинчи щахсларга беконазалтириши билан боғлиқ битимларни амалга ошириши;
- Жамият акциялари берадиган хукуқларни (хукуқларнинг бир қисмини) қонунчилликда белгиланган тартибда ишончнама асосида ўз вакилига (вакилларига) берган;
- акциядорлар овоз бершида ўз позицияларини шакллантириш максадида акциядорлик кепашувларини тузмаси мумкин.

Акциядорлар мазкур Уставда ва конунчилликда назарда тутилган бошқа хукукларга ҳам энди бўладилар.

Амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда акциядорлар – овоз берувчи акциялар эгалари Жамиятдан ўзларига тегишли бўлган акцияларнинг барчасини ёки бир қисмини сотиб олишини талаб килишга ҳакли.

6.2. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблагларни билан тўланадиган эмиссиявий кимматли когозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш хукукига эга.

Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида карши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли когозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш хукукига эга.

6.3. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда, миқдорларда ва усулаарда акциялар тўловини амалга ошириши;
- мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда Жамиятни бошқаршида иштирок этиши;
- Жамият бошқарув органлари қарорларига қонунчилик доирасида бўйснини ва ижро этиши;
- Жамият фаолияти ҳакида маҳфий маълумотларни ошкор этмаслик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган хукуқларини ҳисобга олиши бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини хабардор қилиши;
- Миноритар акциядорлар Жамият хужжатларни асоссиз равишда тараб қилиши ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўскинлик қитмаслик.

6.4. Акцияларга бўлган хукуклар акцияларни олувчига унинг депо ҳисоб варагига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва конун хужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдикланади.

6.5. Акция билан тасдикланадиган хукуклар уларнинг олувчисига ушбу кимматли когозга бўлган хукуклар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.6. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, колган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишилари борасидаги таклифи ўттиз кун ичидаги эълон килиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўгрисидаги ёзма розилиги эълон килинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият ўз Устав фондининг 15% (үн беш фоиз) дан кам бўлмаган миқдорда захира фондини ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди унинг мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунга кадар ҳар йили соғ фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Жамият соғ фойда

қийматининг 5% миқдоридаги йиллик ажратмаларни захира фонди белгиланган миқдорга етгунга кадар амалга оширади.

7.3. Бошка маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини коплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка максадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.4. Агар захира фонди қисман ёки тўлиқ сарфланган бўлса, йиллик ажратмалар тикланади.

7.5. Жамият акциядорлари умумий йигилиши карори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдаси хисобидан ажратмалар ўтказиш йўли билан, бошка фондлар ташкил этилиши мумкин.

VIII. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятнинг хўжалик фаолияти натижасида топилган даромади Жамият ихтиёрида колади ва Жамият фаолиятига, уни кенгайтириш ва такомиллаштиришга боғлик харажатларни коплашга, фондларни шакллантиришга ва Жамият акцияларига дивидендларни хисоблашта ишлатилади.

8.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўргасида таксимланадиган қисмидир. Жамият эълон килинган дивидендларни тўлашга мажбур.

8.3. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йигилиши карорига кўра пул маблаглари ёки бошка конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли коғозлари билан тўланиши мумкин. Дивидендлар акциядорлар ўргасида уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равнешда таксимланади.

8.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида карор кабул килишга ҳакли, агар амалдаги конун хужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги карор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичидаги кабул килиниши мумкин.

8.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги карор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

8.6. Дивидендлар Жамиятнинг ўз тасарруфидаги коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдасидан тўланади.

8.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар Умумий йигилишининг карори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай карор қабул килинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги керак.

8.8. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида карор қабул килинган акциядорларнинг Умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳукукига эга.

8.9. Жамиятга етказилган зарарлар, бундай зарарларни етказган шахслар томонидан конунчилликда ўрнатилган тартибда қопланади.

8.10. Жамият куйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳакида карор қабул килишга ҳакли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайдо Жамиятда банкротлик белгизари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгизар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган холатлар тутатилгач, Жамият хисобланган дивидендларин акциядорларга тўлаши шарт.

8.11. Жамият тузилган шартномага мувофик Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш хукукига эга.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Кўйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари хисобланадилар:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши – Жамиятнинг олий бошқарув органи;
- Кузатув кенгаси – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган;
- Бошқарув – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килувчи коллегиал ижроия органи;
- Ижроия органининг раҳбари – Бошқарув Раиси, Жамиятнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарликни амалга оширади.

9.2. Кўйидагилар Жамиятнинг назорат килувчи органлари хисобланадилар:

- Жамиятнинг ички аудит хизмати – Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари, Жамиятнинг таркибига киравчи корхоналар ишини назорат килишни ва баҳолашни амалга оширади;
- Корпоратив маслаҳатчиси – Жамиятда корпоратив конун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш хизмати.

9.3. Миноритар акциядорлар қўмитаси – миноритар акциядорларнинг хукук ва конуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида ташкил қилинадиган орган (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.3. Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг Йиллик умумий йигилишини) молия йили тутаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказиши шарт. Жамият акциядорларнинг навбатдаги Йиллик умумий йигилиши одатда хар йили июнь ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралигида ўтказилади.

10.4. Акциядорларнинг Йиллик умумий йигилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Жамият ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни кайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги хакидаги масалалар хал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарапларини таксимлаш масалалари ва Жамиятнинг Йиллик хисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига зришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари ва бошка хужжатлари кўриб чиқилади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши хакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаси томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чогида умумий йигилишда, кун тартиbidаги масалаларни мухокама қилиш ва овозга кўйилган масалалар бўйича карорлар кабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига кўйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ёки унинг янги таҳирirdагi уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчани (тугатиш комиссиясини) тайинлаш хамда оралык ва якуний тугатиш балансларини тасдиклаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият Кузатув кенгаши түгрисидаги низомни тасдиклаш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тұлаш;
- Әзіл қилинган акцияларнинг энг күп міндерини белгилаш;
- Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- Үз акцияларни қайтарыб сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиклаш;
- Жамият ижроға органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш, ёллаш), Жамият ижроға органини тайинлаш түгрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар хам иштирек этиши мүмкін бўлган танлов асосида қабул қилинади. Жамият Бошқаруви фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиклаш;
- Жамият Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш, ёллаш), уларнинг ваколат муддатини узайтириш, шунингдек, Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроға органини аъзоларини тайинлаш түгрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар хам иштирек этиши мүмкін бўлган танлов асосида қабул қилинади;
- Жамиятнинг ижроға органига тўланадиган ҳак ва (ёки) компенсацияларнинг энг юкори міндерини белгилаш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси түгрисидаги низомни тасдиклаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тұлаш;
- Жамиятнинг Йиллик хисоботини тасдиклаш, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан келиб чиқсан холда Жамиятни ўрта муддатта ва узок муддатта ривожлантиришнинг аник муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиклаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш. Дивидендлар тұлаш түгрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд міндори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг үз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошкарнишга доир конун хужоатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг хисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хуносаларини эшитиш;
- мақбурий аудиторлик текширувани үтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг күп ҳак міндори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор килиш) түгрисида қарор қабул қилиш.

Йиллик молиявий хисоботларни ХМХСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида әзіл қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этиш;

- акциядорлар умумий Йигилишининг регламентини тасдиклаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиклаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан маъкулланиши лозим;
- «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш түгрисидаги Конуннинг 8 ва 9 бобларida назарда тутилган холларда Жамият томонидан битимлар тузиш түгрисида қарор қабул қилиш;
- ижроға органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустакил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан бөглиқ битимларни аниклаш;
- хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдамнинг энг күп міндерини белгилаш;

- хар йили мустақил профессионал ташкылолар – маслахатчиларни жалб қылган холда бизнес – жараёнлар ва лойихаларнинг Жамият ривожланиш максаллариға мувофиқлиги юзасидан таҳлил үтказиш;
- «Ички назорат тұғрисида»ғи, «Манфаатлар карама – қаршилиги-вактида харакат килиш тартиби тұғрисида»ғи ва «Дивиденд сиесати тұғрисида»ғи Жамиятнинг ички Низомларини тасдиклаш;
- акциядорларнинг умумий йигилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон ракамы имзо билан тасдикланған холда), шунингдек, үз ваколатнин вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йигилишни видеоконференц – алоқа тарзида үтказиш имонияти ва шаронитни яратиш;
- Жамият маблаглари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини коплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда);
- Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тұғрисида карор кабул килиш;
- Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узок муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиклаш;
- Жамият мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш;
- конунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошка масалаларни хал этиш.

10.8. Мазкур Устав ва конунчилик билан кўзда тутилган ҳоллардан ташкари, акциядорлар Умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар хал этилиши учун Кузатув кенгашига берилishi мумкин эмас.

10.9. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йигилишининг карори, агар Конун хужжатларида ва ушбу Уставда бошкача коида белгиланмаган бўлса, йигилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади.

Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги иккичи – тўртичи, олтичи, ўн бешинчи ва йигирманчи хатбошиларида кўрсатилган масалалари бўйича карорлар, акциядорлар Умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эталари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул килинади.

10.10. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктиримай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани таъсиллаш юзасидан тактифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгашига бу органинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгашига ўзлари кўрсаттан номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши үтказилиши тұғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктиримай ўзгартышлар киритишга ҳақли.

10.11. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари конунчиликда ўрнатилган тартибда бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктиримай акциядорлар эътиборига етказилади.

Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига карши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

10.12. Жамият акциядорлар умумий йигилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакиллари Жамият Бошқарувини сайлаш масаласида овоз бериш ҳукукига эга эмас.

10.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши үтказиладиган сана уни үтказиш тұғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (Йигирма бир) кундан кам ва 30 (үттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоти билан 30 кун оддин Жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон килинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.15. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкири ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкири йигилишлардир.

10.16. Акциядорларнинг навбатдан ташкири умумий йигилиши Жамият Кузатув кенгашининг карорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талиби асосида ўтказилади.

10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташкири умумий йигилишини чакириш тўгрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичидаги Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташкири умумий йигилишини чакириш тўгрисида ёки йигилишни чакиришини рад этиш хақида кирор кабул килиши керак.

10.18. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха хам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

10.19. Акциядорлар умумий йигилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлик бошка масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўгрисида» ги Низоми ва «Саноқ комиссияси тўгрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши Акциядорлар Умумий йигилиши карорларининг бажарилишини таъминлайди, Жамият ривожланиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари стратегияси ва режаларни белгилайди хамда акциядорлар Умумий йигилиши карорлари, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши хақида»ги Низомда белгиланган ваколатларни доирасида иш юритади.

11.3. Акциядорлар Умумий йигилишининг карорига кўра жамият Кузатув кенгашининг тъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳак тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни копланиши мумкин. Бундай ҳак ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йигилиши карорида белгиланади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўгрисида Жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташкири Умумий йигилишларини чакириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Конун 65 – моддасининг ўн биринчи кисмидаги назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар Умумий йигилишини кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказилниши хақида хабар килиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Конун 59 – моддаси биринчи кисмидаги иккичи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал килиши учун киритиши, агар бундай масалаларни ҳал этиш акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига кирадиган бўлса;

- мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамият бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ҳамда уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсларни тайинлаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини маъқулланиш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисботларини эшишиб бориш;
- Жамият изроия органининг фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни изроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор килиш) тўғрисида карор қабул килиш;
- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация микдори юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фонди ва бошка фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш, шунингдек Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва кўшимчалар киритиш. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс хисобланмайди;
- қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- «Акциондорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуннинг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган колларда битимлар тузиш тўғрисида карор қабул килиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун ҳужжатларида белгилangan тартибда тузиш;
- Жамиятнинг Устав фонди микдорини кўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан қўпайтириш ва Жамият Уставини қўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул килиш;
- кимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги карор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган кимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида қарорни қабул килиш;
- кимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул килиш.
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек Жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул килиш;
- «Акциондорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг Жамият бозорига ва ушган Жамиятдан ташкирни бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- изроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш;
- Акциондорларнинг умумий йигилиши ва қонун ҳужжатларида белгилangan доирада хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Жамиятнинг веб – сайтида ошкора этилишини таъминлаш);
- Жамият Кузатув кенгаши кошида Кузатув кенгаши, изроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим мувассасалари

ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниклаш ва хал этиш бўйича кўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этиш;

- «Ахборот сиёсати тўғрисида» ги Низомни тасдиклаш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назорат қилиш;
- Жамият Бошқаруви, ички назорат органлари ва Жамиятда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чикиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинг учун экспертиларни жалб этиш;
- Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимларига танловлар регламенти тасдиклаб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юкори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади;
- Жамият кузатув кенгашининг мустакил аъзолигига номзодларни, қонда тарикасида, акциядорлар умумий йигилиши кўриб чикиши учун танлов асосида кўриб чикиш;
- Йиллик молиявий хисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халкаро стандартлари асосида эълон килишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этиш. Бунда Жамиятнинг йиллик молиявий хисоботлари ХМҲСга ва аудитнинг халкаро стандартларига мувофик тарзда конун хужоатларида белгиланган муддатларда эълон килиниши Жамият Кузатув кенгаши томонидан назорат килинади.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига конунчилик ва мазкур Уставга мувофик бошка масалаларни хал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар хал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги конунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг микдор таркиби 7 (етти) кишидан иборат. Кузатув кенгаши таркибига 1 (бир) нафар мустакил аъзо сайланади.

11.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланниши мумкин.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар, Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Жамият кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз рансини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан кайта сайланашга хаклидир.

11.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларни чакиради ва уларда раислик қиласди, мажлиса баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йигилишларида раислик қиласди.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзоларининг, шунингдек Жамиятнинг 1 (бир) фойздан кам бўлмаган одий акциялари эгалари талабига кўра чакирилади.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қиласди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайланаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкири умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкири умумий йигилишини чакириш тўғрисида

каор кабул килишга, шуннингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга хаклидир.

11.12. Жамият кузатув кенгашиниң мажлисида каорлар, агар кузатув кенгашиниң мажлисини чакириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи конунчилликда ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, мажлисида хозир бўлганларниң кўпчилик овози билан каор килинади. Жамият кузатув кенгашиниң мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашиниң ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашиниң каорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашиниң барча аъзолари томонидан бир овоздан каор килиниши мумкин.

11.13. Жамият Кузатув кенгашиниң бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашиниң бошқа аъзосига беришга хакли эмас.

11.14. Жамият Кузатув кенгаши аъзолариниң овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

Жамият кузатув кенгашиниң мустақил аъзоси кузатув кенгашиниң бошқа аъзолари билан бир каторда ушбу Устав белгиланган тенг хукуклар ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.15. Жамият Кузатув кенгашиниң мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисиниң баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктиримай тузилади.

11.16. Жамият Кузатув кенгаши мажлисиниң баённомаси мажлисида иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.17. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидағи ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганларни учун конун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофик жавобгар бўладилар.

11.18. Жамиятга зарап етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.19. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йигилишида тасдикланган «Жамият Кузатув кенгаши тўгрисида» ги Низомида белгилаб кўйилади.

XII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

12.1. Жамиятниң кундалик фаолиятини бошқаришни Жамиятниң ижроия органи – Жамият ишини ташкил килувчи Бошқаруви амалга оширади.

12.2. Жамият ижроия органи Жамият акциядорлари Умумий йигилишининг, Кузатув кенгашиниң каорини бажарилишини ташкиллаштиради.

12.3. Жамият ижроия органиниң ваколатига Жамиятниң кундалик фаолиятига раҳбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашиниң ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.4. Жамият Бошқаруви ушбу Уставга мувофик уч йил муддатта сайланадиган (тайинланадиган) 5 та аъзодан ташкил топади.

12.5. Жамият бошқарув раиси акциядорларниң Умумий йигилиши томонидан уч йил муддатта сайланади (тайинланади).

Жамият бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатта сайланади (тайинланади).

Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга уч йил муддатли шартнома тузилади, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўгрисида ҳар йили каор қабул килинади.

Жамият номидан шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан имзоланади.

Жамият бошқарув аъзоларини тайинлаш, коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган ташлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

12.6. Бошқарув аъзолари мазкур Устав, лавозим йўрикномалари, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар Умумий йигилишининг, Кузатув кенгашиниң, бошқарувнинг

қарорлари ва бошқарув раисининг кўрсатмалари билан белгиланадиган ваколатлар доирасида иш юритадилар.

12.7. Бошқарув аъзоларининг хукуклари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- Жамият ходимларини рагбатлантириш бўйича таклифлар киритиши;
- Жамият ходимларидан Жамиятда ўринатилган ички тартиб – консалтарга амал қилишни талаб килиш.

12.8. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятни самарадор ва баркарор иш юритишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;
- акциядорлар Умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарувнинг қарорлари ижросини таъминлаш;
- Жамиятнинг бошқа локал ҳужжатларини тасдиқланишини таъминлаш.

12.9. Бошқарув ишига раис раҳбарлик килади. Бошқарув раиси Жамиятнинг умумхўжалик ва молиявий фаолиятини таъминлаш, акциядорлар Умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари бажарилишини ташкиллаштириш, мазкур Устав, акциядорлар Умумий йигилиши, Кузатув кенгаши қарорлари ва «Жамият бошқаруви ҳакида»ги Низомга асоссан белгиланган ваколатлари доирасида иш юритишга мажбур.

12.10. Бошқарув раиси ва аъзоларининг бошқа хукук ва мажбуриятлари «Жамият бошқаруви ҳакида»ги Низом ва улар билан имзоланадиган шартномаларда белгиланади.

12.11. Бошқарув Жамият фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш учун чакирилади. Бошқарув мажлисларининг ўтказилишини бошқарув раиси ташкиллаштиради. Бошқарув 4 кишидан кам бўлмаган ҳолда масалаларни ҳал этишга хукуклидир.

Бошқарув қарорлари мажлисда катнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис натижалари қарор кўринишида қабул қилинади ва мажлисда катнашаётган барча аъзолари томонидан имзоланади.

12.12. Бошқарувнинг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият соғ активлари кийматининг 15% гача бўлган микдорини ташкил килувчи мулкни Жамият томонидан олиш ва бошқа шахсга бериш битимларини амалга ошириш;
- Жамият мулкни хисобдан чиқариш;
- фойда ва харажатларнинг тасдиқланган сметалари доирасида мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;
- Жамиятнинг локал ҳужжатларини тасдиқлаш;
- Жамиятда бухгалтерия хисобининг ташкил этилиши, холати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги хисбот ва бошқа молиявий хисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб – сайтида ва оммавий аҳборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиши;
- акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бошқа масалалар.

12.13. Бошқарув раиси ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг самарадор ва баркарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундаклик фаолиятига раҳбарлик килиш, акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;
- акциядорлар Умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- Жамият фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишини таъминлаш;

- Жамияттинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чикиш, изжосини ташкил этиши ва назорат килиш;
- Жамият фаолиятини юритишда конунчиллик талабларига риоя этишини тъминлаш;
- Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (карор) ларини имзолаш, Жамият номидан хужжатларни имзолашни ташкил этиш;
- Жамият Кузатув Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя килиш;
- банкларда хисоб ракамлар шу жумладан валюта хисоб ракамларини очиш ва Жамияттинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика хисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вактида тақдим этилишини тъминлаш;
- Ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартома мажбуриятлари бажарилишини тъминлаш;
- штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- Жамият ходимларни ишга қабул килиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор килиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя этилишини тъминлаш;
- Жамияттинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;
- Жамият ходимларига тўланадиган рагбатлантирувчи тўловлар микдорларини белгилаш;
- Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик қилишини тъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан тъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тақрибаси ва кобилияtlаридан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- Жамият ходимларининг малакасини ўкув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза килишини тъминлаш;
- Жамияттинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамияттинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамияттинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш. Жамияттинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади, шунингдек хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сакланишини тъминлаш;
- Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган карор, бўйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Жамияттинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги хисоботларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчилликка асосан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йигилишига ва Жамият Кузатув Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- Жамият акциядорларининг Умумий йигилишида ва Кузатув Кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивиденdlар хисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларига риоя килади;
- манфаатлар қарама – қаршилиги юзага келиши тўғрисида кузатув кенгашини хабардор килиш;
- бизнес хатарлари ва Жамият Бошқаруви жавобгарлигини сугурталаш;
- Жамият таркибига кирувчи ташқилотларнинг бошқарув органлари йигилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига, ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя килади. Жамият Бошқарув раиси, конунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошка хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.14. Бошқарув ўз фаолиятида Жамият ривожланиши ва фаолиятининг устувор йўналишларини ишлаб чикиш, бизнес – режаларни, илгор технологияларни жорий килиш, Жамият савдолари самарасини ошириш мақсадидаги «ноу – хау» ва кўшимча даромад олиш масалаларининг қўйилиши ва ҳал кипинишини кўзда тутмоғи лозим.

12.15. Жамият Бошқаруви ўз хукукларини амалта оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.16. Жамият Бошқарув раисини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳакидаги карор акциядорлар умумий йигилиши томонидан қабул килинади.

12.17. Жамият Бошқарув шъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тутатиш) ҳакидаги карор Кузатув кенгаши томонидан қабул килинади.

12.18. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдикланган кўрсаттичларни бажарилиши бузилган холларда ва унинг ҳаракати (харакатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарари сабабли у билан тузилган меҳнат шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор килиниши мумкин.

12.19. Агар Жамият бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганилиги натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият бошқарув аъзоларининг айби конунчиликда белгиланган тартиба исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдидаги каэрзорлигини коплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

а) Ички аудит хизмати

13.1. Жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув Кенгашига хисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги конунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

13.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан конун хужжатларига, мазкур Уставга ва бошка хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қондалари ва тартиб – таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, шўъба корконалари, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёл улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти

13.4. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ конун хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хуносасини тақдим этади.

13.5. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий хисоботи ва молияга доир бошка ахборотлар хакида нотётри якун баён этилган аудиторлик хуносаси тузганилик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

13.6. Жамиятда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиккан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

в) Корпоратив маслаҳатчи

13.7. Жамиятда корпоратив конун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат юзлини вазифасини бажарувчи, Кузатув кенгашига хисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади. Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиши (жумладан: кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чикариш ва ўзғартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йигилишининг карори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши хукук ва мажбуриятларни хукуқий ворислик тартибида бошка шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини туттишига сабаб бўлади.

15.4. Жамият қўйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йигилишининг карорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқ суд карорига асосан;
- амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган бошка сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги конуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошка қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.2. Агар Ўзбекистон Республикасининг конунчиллик хужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчиллик хужжатлари қоидалари кўлланилади.

16.3. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 24 сентябрда рўйхатга олинган Жамият Устави ўз кучини йўқотган деб хисобланади.

«Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма комиссияси
акциядорлик жамияти Бошқарув раши



Сардобаев О.М.